

## Тавба намози

Image not found or type unknown



05:00 / 04.01.2017 71212

بَلِّغُوا نَعْمَ هَلْ لَّا يَضُرُّ يَلَعُ نَع  
نَمْ تُعَمَّسَ إِذَا الْجَرُّ تُنُك  
هَلْ لَّا يَلِصَّ هَلْ لَّا لُوسَّر  
يَنْعَفَنَ أَثِي دَح مَلَسُو هِي لَع

٥ نَأْءَاشْ أَمْبُ ٥ نَمْ ٥ لَلَا  
 ٥ لُجَرِ يَنْتَدَحْ ٥ اذِإو ، يَنْغَفُنِي  
 ٥ هُتْفَلْحَتْ سَا ٥ بَاخْ صَا ٥ نَمْ  
 ٥ هُنَاو ، هُتْقِدَّصْ يَلْفَلْحْ ٥ اذِإف  
 ٥ قِدَا صَوَّهَوِ رُكَّ بَ ٥ بَا ٥ يَنْتَدَحْ  
 ٥ هَلَلَا لُوسَرُتْ ٥ مَسْ ٥ لَاقِ  
 ٥ مَلَسْ ٥ هِيلَعْ ٥ لَلَا ٥ لَصْ  
 ٥ بِنْدِي لُجَرُ نَمْ ٥ أَمْ ٥ لُوقِي  
 ٥ رَهَطَتِي ٥ فُ مَوْقِي ٥ مَثْ ٥ أَبْنَدْ  
 ٥ رَفَعَتْ سِي ٥ مَثْ ، يَلْصِي ٥ مَثْ  
 ٥ مَثْ ، هَلْ ٥ لَلَا ٥ رَفَغْ ٥ لَلَا  
 ٥ لَدُنُوبِهِمْ فَاسْتَغْفِرُوا اللَّهَ ذَكَرُوا أَنفُسَهُمْ ظَلَمُوا أَوْ فَجِحْتَهُ فَعَلُوا إِذَا وَالَّذِينَ  
 ٥ نَبَاوِي ٥ ذِمَّرْتَلَا ٥ هَاوْرِي ٥ لَلَا -

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Қачон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис эшитсам, Аллоҳ менга ундан Ўзи хоҳлаганича наф берадиган одам эдим. Қачон у зотнинг саҳобаларидан бири менга ҳадис айтса, мен ундан (гапи тўғрилигига) қасам ичишни талаб қилар эдим. Агар у қасам ичса, (гапини) уни тасдиқлар эдим. Албатта, шаън шулки, менга Абу Бакр бир ҳадис айтди. Зотан, у содиқдир:**

**«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Қайси бир одам гуноҳ қилиб қўйса, сўнгра туриб, таҳорат қилиб, намоз ўқиса, кейин Аллоҳга истиғфор айтса, албатта, Аллоҳ уни мағфират қилади», деганларини эшитдим. Сўнгра у зот:**

**«Ва улар фаҳш иш ёки ўзларига зулм қилсалар, Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишини сўрайдилар» (Олим Имрон 135-оят) оятини қироат қилдилар», деди».**

*Термизий ва Ибн Можа ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Аслида тавба хоҳлаган пайтда, намозсиз ҳам қилиниши матлуб. Лекин у намоз билан бўлса, кучли ва қабули осон бўлади. «Намоз мўминнинг силоҳи» дейилиши ҳам шундан. Мўмин киши намоз билан ҳар қандай қийин нарсага ҳам осонлик билан эриша олади. Ожиз банда гуноҳ иш қилиб қўйса, иймони уни дарҳол тавбага чорлаши зарур. Қилиб қўйган гуноҳининг афсусида қолган мўмин инсон дарҳол таҳорат қилиб, тавба намози нияти ила икки ракъат намоз ўқиб олишга ўтмоғи лозим. У гуноҳига надомат қилиб, намозида чин қалбдан тавба қилиб, Аллоҳга роз айтиб, иккинчи бу гуноҳни қайта қилмасликка қатъий аҳд қилса, Аллоҳ таоло унинг гуноҳини мағфират қилади.

Ушбу ҳадислардаги бош масала шундан иборат. Лекин эътибор билан мулоҳаза қиладиган бўлсак, бундан бошқа муҳим масалалар ҳам борлигини кўрамиз.

Ана шундай масалалардан бири ҳазрати Али розияллоху анхунинг:

**«Қачон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис эшитсам, Аллоҳ менга ундан Ўзи хоҳлаганича наф берадиган одам эдим»,** деган гапларида ўз аксини топгандир.

Ўйлаб кўринг. Эшитган ҳар бир ҳадисдан наф топиш қандай бахт! Бу қандай саодат! Бундай олий мақомга эришиш осонми? Бундай пурсаодат ҳаётга соҳиб бўлиш учун нималар қилиш лозим?

Аввало ихлос қилиш керак. Амал қилиш керак.

Ҳадисларни пухта ва аниқ ўрганиш керак.

Ушбу ҳадисда мулоҳаза қилинадиган муҳим масалалардан яна бири айнан ўша ихлос, амал ва ҳадисларни пухта ўрганиш билан боғлиқдир.

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг қайси саҳобийдан ҳадис эшитсалар, ўша ҳадиснинг тўғри эканлигига қасам ичишини талаб қилишлари айнан шуни кўрсатади.

Маълумки, саҳобаларнинг адолатларига, зеҳнларининг ўткирлигига, ишончли кишилар эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам, ҳазрати Али ҳадис айтган ҳар бир кишидан қасам ичишни талаб қилганлар. Чунки ҳадис эшитиб қўйиб, кетаверадиган нарса эмас. Унга иймон келтириш, амал қилиш керак. Ҳадиси шариф инсон ҳаётидаги ҳар бир нарсани баён қилиб беради. Қуръонни шарҳлайди, қандай қилиб ҳаётга татбиқ қилишни кўрсатади ҳамда бошқа кўплаб хизматларни адо этади.

Шунинг учун дийн илмини кимдан олаётганига катта эътибор ва аҳамият бериш ҳар бир мусулмон учун муҳимдир. Дийндорликни, фидойиликни, олимликни, устозликни даъво қилувчилар жуда ҳам кўп. Улар ҳар хил бўладилар. Кўплари бузуқ фикрли ва ғаразгўй бўлишини тажриба кўрсатиб турибди. Шунинг учун Аҳли Сунна ва жамоа мазҳабидаги тақводор, инсофли, ҳақиқий олим кишидан илм олиш лозим.

Аллоҳ таоло ҳаммамизни эшитган, ўрганган ҳар бир ҳадисимиздан кўплаб наф оладиган, илмни ишончли манбалардан ўрганадиган бандалардан қилсин. Бандалик билан баъзи хатоларни содир этган чоғимизда дарҳол тавбага шошиладиганлардан қилсин.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди**